

Ҳамкорлик тармоғида иштирок этишга

_____сонли Ҳамкорлик битими

Тошкент ш.

«__» _____202__

«ANOR BANK» АЖ номидан, кейинчалик "Банк" деб юритилади, 202__йилдаги __-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Бошқарув Раисининг Биринчи Ўринбосари Наджимитдинов Э.Р., биринчи томондан, ва _____ асосида иш олиб борувчи _____, кейинчалик «Ҳамкор» деб номланади, иккинчи томондан, кейинчалик биргаликда "Томонлар" деб номланади, Ҳамкорлик тармоғида иштирок этиш учун қуйидаги мазмундаги мазкур Ҳамкорлик битимини (кейинчалик "Битим") туздилар:

1. Битимнинг предмети

1.1. Банк Ҳамкорга банк карталари бўйича тўловларга ишлов бериш хизматларини (кейинчалик "Хизмат") ҳамда ахборот ва технологик ўзаро алоқа хизматларини, жумладан банк карталари билан операциялар бўйича, шунингдек «Anor Merchant» дастурий таъминоти орқали ахборот йиғиш, ишлов бериш ва тақдим этиш хизматларини кўрсатади, Ҳамкор эса Банк томонидан кўрсатилган Хизматларни ўз вақтида қабул қилиш ва уларга мазкур Битимда ва мазкур Битимнинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган «ANOR BANK» ҳамкорлик тармоғида иштирок этиш Қоидаларида (кейинчалик "Қоидалар") ўрнатилган тартибда ва шартларда тўлов қилиш мажбуриятини олади. Қоидалар Банкнинг қуйидаги расмий сайтида жойлаштирилган: <https://www.anorbank.uz>.

1.2. Ҳамкор Ҳамкорлик тармоғида иштирок этиш доирасида "ANOR BANK" АЖ ҳамкорларига мобил илова орқали тўловни амалга оширган жисмоний шахсларга Cashback тақдим этиш ҳуқуқига эга. Cashback ставкаси Ҳамкор томонидан __ % (_____ фоиз) ўлчамида белгиланади.

1.3. Банк Мижоз томонидан тўлов амалга оширилган тақдирда қуйидаги хизматларни (кейинги ўринларда – Хизматлар деб аталади) кўрсатишни ўз зиммасига олади:

- Тўловчининг Банк (пластик) картасидан Мижоздан товарлар/ишлар/хизматлар ёки рақамли/электрон контент сотиб олинганлиги ҳақидаги электрон тўловлар маълумотларини қабул қилиш ва қайта ишлаш учун Тизимда рўйхатдан ўтказиш;
- мазкур Шартнома асосида Хизматлар кўрсатиш учун очилган Мижознинг Е-POS Терминали ва/ёки QR-ҳисобварақни рўйхатдан ўтказиш ва хизмат кўрсатиш;
- Мижознинг ҳисобварағига пул маблағларини ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш.

1.4. Банк мазкур Шартноманинг 1-илоvasига мувофиқ Хизматларни кўрсатади.

1.5. Ушбу шартнома доирасида томонлар Банк Мижознинг Е-POS Терминалининг реквизитларини (рақамини) учинчи шахсларга - бошқа банкларга ва тўлов тизимларига тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигига, аммо фақат Мижознинг шунга ўхшаш бошқа тўлов тизимларининг хизматларидан фойдаланувчи Тўловчилардан тўловларни қабул қилиш имкониятини амалга ошириш учун келишиб олдилар.

1.6. Жойларда тўловлар бўйича ҳамкорлик

Жойларда тўловлар - бу ANORBANK иловаси ёрдамида товарлар ва хизматларни тўлашнинг муқобил усули. Бунда, Банк ҳамкорнинг тарифига биноан транзакцияга ишлов бериш учун комиссияни чегириб қолади.

2. Ҳисоб-китобларни рўйхатга олиш ва ўтказиш тартиби

2.1. Банк ва Ҳамкор ўртасида Ҳамкорлик Келишуви тузилиши пайтида, Ҳамкор Банкда транзит ҳисобвараққа (асосий / иккиламчи) ёки ҳисобварағига (талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақ) эга бўлиши керак. Банкда транзит ҳисоб мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳамкор уни мажбурий тартибда очади.

2.1.1. Карталар ёрдамида транзакцияларни амалга ошириш учун Ҳамкор Банкнинг POS ва Е_POS терминалларида фойдаланиши шарт.

2.2. Ҳамкор «ANOR BANK» АЖ томонидан чиқарилган «ANOR» карталари ёрдамида Ҳамкорнинг савдо нуқтасида амалга оширилган транзакциялар суммасидан __% (_____ фоиз) миқдорда Банкка Хизмати учун мукофот тўлайди.

2.3. Терминал ва Банкда Ҳамкорнинг ҳисоб рақами мавжудлигида Хизматлар

кўрсатилганлиги учун ҳисоб-китоблар тартиби.

2.3.1. Банкнинг комиссия мукофотини ундириш Ҳамкорнинг савдо нуқтасида Карта ёрдамида Ҳамкорнинг ҳисоб рақамига ўтказиш жараёнида амалга оширилган транзакциялар суммасидан амалга оширилади.

2.3.2. Томонлар Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган ҳар бир операция (транзакция) Банк томонидан Битим бўйича кўрсатилган хизматлар деб тан олинади ва мукофотни ҳисоблашда инобатга олинади деган тутамга келиши.

2.3.3. Бухгалтерия ва солиқ ҳисобини аниқ юритиш ҳамда ЎзР ДСҚга ҳисоботларни тақдим этиш учун Ҳамкор шахсан жавобгар бўлади ва Ҳамкорлик тармоғидаги иштирокидан тушган савдо тушумини бирламчи ҳужжатлар (Карталардан фойдаланиб Товарларга тўлов қилинганда тўлов терминалларининг чеклари) асосида аниқлаш мажбуриятини олади.

2.3.4. 1.2-бандга биноан Кэшбек қийматини ундирилиши ҳисоб рақамига кўчириб ўтказиш жараёнида "ANOR BANK" АЖ ҳамкорларига ANORBANK мобил иловаси орқали амалга оширилувчи транзакция қийматидан ва Ҳамкор томонидан танланган тарифга биноан амалга оширилади.

2.3.5 3.18-бандга биноан (Юридик шахслар учун Универсал шартнома), Ҳамкор бир томонлама тартибда амалга оширилган тўловнинг қийматидан жисмоний шахсларга Cashback тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

2.3.6 Тизимда уланиш ва рўйхатдан ўтиш учун Мижоз Банк офисига ҳисоб очиш учун қоғозда ёзилган аризани тақдим этади. Офисда рўйхатдан ўтаётганда ушбу Шартнома томонлар тарафидан қоғозда имзоланади. Масофадан рўйхатдан ўтиш пайтида Шартнома электрон шаклда, электрон ахборот узатиш тизимларида ЭРИ ёрдамида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имзоланади.

2.3.7 Хизматлар учун тўлов миқдори танланган Тизим маҳсулотига (тўловларни қабул қилишнинг техник усули) қараб барча солиқлар, йиғимлар, ажратмаларни ўз ичига олган тизим орқали Банк томонидан амалга оширилган савдо операциялари суммасига фоиз сифатида ҳисобланади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловада келтирилган (Хизматлар кўрсатиш шартлари).

2.3.8 Хизматларнинг нархи қатъий ҳисобланади ва фақат ушбу Шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилган Томонларнинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3.9 Мижозга кўрсатилган хизматлар учун тўлов Ҳамкорлик келишувининг 2.3-бандига биноан Тўловчилар томонидан муваффақиятли қайта ишланган транзакциялардан комиссия миқдорини ушлаб қолиш йўли билан тўланади (олдиндан берилган акцепт). Комиссия суммаларини ушлаб қолиш Тизим томонидан тўлов амалга оширилган куни ушбу Шартноманинг 1-иловасида белгиланган комиссия ставкалари қўлланилган ҳолда автоматик равишда амалга оширилади.

2.3.10 агар шартнома электрон шаклда имзоланадиган бўлса, тизимда Мижозни аниқлаш унинг коди ва электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) ёрдамида амалга оширилади. ЭРИни қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

3. Бошқа шартлар

3.1. Мазкур Битим доирасида олинган ахборот ушбу Битимнинг бутун амал қилиш даврида ҳамда у бекор қилингандан кейин яна бир йил давомида учинчи шахсларга ошкор қилинмайди, бундай ошкор қилиниши қонун бўйича талаб этиладиган ҳолатлар бундан мустасно. Шу ўринда, расмий манбалардан олинган, умумэришимли бўлган, ёки мазкур Битимнинг бирон-бир томони бўлмаганлардан олинган ахборот махфий ҳисобланмайди.

3.2. Мазкур битим томонларнинг хоҳиш-иродасига биноан рус тилида, тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган, ҳар бир Томон учун битта нусхадан.

3.3. Ҳамкорларни Банкнинг сайти/шахсий кабинети орқали 7(етти) кун олдин огоҳлантириб, Банк бир томонлама тартибда Қоидаларнинг шартларини ўзгартиришга/ўзгартиришлар киритишга ҳамда мазкур Битимни бекор қилишга ҳақли. Банкнинг сайтида/шахсий кабинетидида ҳужжатларнинг янги таҳририни жойлаштириш Банкнинг Ҳамкорга йўналтирилган офертаси (таклифи) ҳисобланади.

3.4. Ҳамкор Банк билан барча ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириб, Битим бекор қилиниши санасидан 7 (етти) календарь кун олдин шахсий кабинет орқали хабарнома юбориб, ушбу Битимни бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

3.5. Мазкур Битимда назарда тутилган шартларда Ҳамкор барча зарур ваколатларга (бошқарув органларидан зарур ваколатларни олганлиги) ва Банк билан шартнома Битимига киришиш ҳуқуқларига эга эканлигини тасдиқлайди ва қафолатлайди.

3.6. Ушбу Битимни тузиш пайтида мазкур Битимни тўлиқ ёки қисман амалга ошириш учун Ҳамкор учинчи шахслар билан қандайдир тарзда тўсқинлик қилувчи мажбуриятлар билан боғланмаганлигини, учинчи шахсларнинг мазкур Битим бўйича мажбуриятларни унда баён этилган шартларда бажаришга қандайдир тўсқинлик қилувчи ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ёки шикоятлари йўқлигини тасдиқлайди ва қафолатлайди.

3.7. Ҳамкор томонидан Битимнинг 3.5, 3.6. ва 2.3.3. бандларига риоя қилинмаганлиги учун Банк жавобгар бўлмайди. Ҳамкор томонидан Битимнинг 3.5, 3.6. ва 2.3.3. бандларига риоя қилинмаганида ва/ёки Ҳамкорнинг юқори турувчи органлари ёки учинчи шахслар томонидан шикоятлар келтирилганида - барча жавобгарлик Ҳамкорнинг номидан Битимни имзолаган шахснинг зиммасига юклатилади.

4.Ҳамкорнинг электрон манзиллари ва сайти

4.1 Ҳамкорнинг электрон манзил(лар)и: _____

4.2. Ҳамкорнинг сайти: _____

Кўрсатилган электрон манзиллар ва сайт Битим имзоланган пайтида амалда юритилаётган ва долзарб ҳисобланади ва Қоидаларда кўрсатилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Мазкур Битимни имзолаётганда Ҳамкор “ANOR BANK” АЖнинг ҳамкорлик тармоғида иштирок этиш Қоидалари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлайди ва қабул қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

"Банк"
"ANOR BANK" АЖ

Манзили: 100170, Тошкент ш.,
М. Улуғбек тумани, Сайрам
5-тор кўча, 4 уй.

“ANOR BANK”

АЖдаги

х/р: _____

СТИР: 207324986

МФО: 01183

ОКЭД: 64190

Тел. ___ - ___ - ___ Факс----- ____

М.ў.

"Ҳамкор"

Манзили: _____

х/р: _____

СТИР _____

МФО _____

ОКЭД _____

Тел _____ Факс. _____

М.ў.

“ANOR BANK” АЖ ҲАМКОРЛИК ТАРМОҒИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

“ANOR BANK” АЖ Ҳамкорлик дастурида иштирок этишнинг мазкур Қоидаларида (кейинги ўринларда - "**Қоидалар**") Ҳамкорлик тармоғида иштирок этишнинг Ҳамкорлик Битимида (кейинги ўринларда - "Битим") таърифланган Хизматларни кўрсатиш доирасида Банк ва Ҳамкор ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тартиби таърифланади. Битимни имзолаш Ҳамкор мазкур Қоидалар билан танишиб чиққанлигининг далили ҳисобланади.

Қоидаларнинг долзарб версияси Банкнинг расмий сайтида қуйидаги манзилда жойлаштирилади:
<https://www.anorbank.uz>

АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Битимда ва Қоидаларда қўлланиладиган атамалар бош (катта) ёки ёзма ҳарфда ёзилишидан, қўлланилган шрифтидан ҳамда Битимда ва Қоидаларда қўлланилган падежи, турланиши, тусланиши ва/ёки сўзнинг грамматик шаклидан (сўз шаклидан) қатъий назар, агар улардан фойдаланиш контекстидан бошқа нарса келиб чиқиши аён бўлмаса, қуйидаги таърифга (мазмунга) эга.

- (01) **Битим** - Банкнинг Ҳамкорлик тармоғида иштирок этиш учун Банк ва Ҳамкор ўртасида имзоланадиган Битим, у орқали Ҳамкор Қоидаларга розилик билдиради. Битим, шунингдек, Томонлар тарафидан қўлланиладиган электрон ҳужжатлар айланмаси тизимида электрон рақамли имзо орқали ҳам имзоланиши мумкин.
- (02) **Банк** - «ANOR BANK» АЖ;
- (03) **Ҳамкор** - Банк билан Битимни тузган ва мазкур Қоидаларга қўшилган юридик шахс ва/ёки яқка тартибдаги тадбиркор;
- (04) **Томон** - Қоидаларнинг матнида зикр қилинаётган Банк ёки Ҳамкор, биргаликда зикр қилинганда улар шунингдек, "**Томонлар**" деб ҳам аталади;
- (05) **Мижоз/Харидор** - Банк билан Картани чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган, шунга тенг равишда Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган, тўлиқ лаёқатга эга, Картадан фойдаланишга тўғридан-тўғри ёки билвосита эҳтиёжи бўлган ҳамда Ҳамкор томонидан резализация қилинадиган товарларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий, оилавий ва/ёки бошқа мақсадларда (кейинчалик қайта сотиш учун эмас) харид қиладиган ва/ёки харид қилиш истаги бўлган истеъмолчи сифатида ҳаракат қиладиган жисмоний шахс, Карта эгаси;
- (06) **Товар** - Қоидаларнинг контекстида: товар, иш (бажарилган ишларнинг натижаси), хизмат (хизмат кўрсатиш), интеллектуал фаолиятнинг натижаси;
- (07) **Кэшбэк** - савдо-сервис корхонасида (ССК) - содиқлик Дастури ҳамкорларида Картадан фойдаланиб тўлов амалга оширилганлиги учун Карта эгасининг карта ҳисоб рақамига/электрон ҳамёнига харид суммасининг бир қисмини қайтариш шаклида ифодаланадиган мукофот.
- (08) **Карта** - электрон тўлов воситаси сифатида Банк томонидан чиқариладиган, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларни тузиш учун Мижоз Банкка топшириқларни тузиши, тасдиқлаши ва юбориши учун восита ҳисобланган банк (тўлов) картаси. Қоидалар доирасида Карта остида банк (тўлов) картаси, шу жумладан, ноёб банк идентификацион рақамига (BIN) эга дебет, кредит картаси тушунилади;
- (09) **Ҳамкорлик тармоғи** - тўлов учун Картани қабул қиладиган ССК жамланмаси (Банк билан Битим тузган, рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва/ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам, шунингдек, юридик шахсларнинг алоҳида ажралиб чиққан бўлинмалари (алоҳида майдонлар (дўконлар) ва/ёки интернет майдончалар (интернет-дўконлар) ҳам). Ҳамкорлик дастурига қирадиган ССКда Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб Товар харид қилиш операцияларини (транзакцияларни) амалга оширганда Мижоз Кэшбэк ва/ёки Муддатли тўловга эга бўлиши мумкин.
- (10) **Муддатли тўлов** - Картадан фойдаланиб Ҳамкорнинг ССКсида товарларга (ишларга,

- хизматларга) тўлов қилиш усули, бунда Мижоз/Харидор томонидан товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати учун тўлов тақдим этилган кредитнинг лимити доирасидаги қарз маблағларидан амалга оширилади, ҳосил бўлган қарздорликни сўндириш эса аниқ ССКда товарларга (ишларга, хизматларга) тўлов қилиш операциялари бўйича муддатли тўлов даврининг сонига қараб тенг қисмларда амалга оширилади;
- (11) **Банкнинг сайти** - Банкнинг Интернет тармоғидаги расмий саҳифаси;
 - (12) **Ҳамкорнинг сайти** - Ҳамкорнинг Интернет тармоғидаги сайти, унинг манзили Битимда кўрсатилган;
 - (13) **Ҳамкорнинг савдо нуқтаси (СН)** - Ҳамкорнинг логотипи ва/ёки Битимда кўрсатилган бошқа тижорат белгиси остида Товарларни реализация қиладиган, Идентификатори ҳақидаги маълумот Ҳамкор томонидан Банкка Қоидаларнинг шартларига мувофиқ тақдим этилган банк карталарини тўлов учун қабул қиладиган савдо жойлари ёки хизмат соҳалари;
 - (14) **Идентификатор(лар)** - Ҳамкорнинг ҳар бир СНсида Мижоз томонидан амалга оширилган харидни Ҳамкорнинг Картасидан ва/ёки Ҳамкорнинг Савдо нуқтасидаги унинг реквизитларидан, шу жумладан, лекин бу билан чекламасдан, тўлов тизими томонидан берилган Merchant ID ва/ёки Terminal ID идентификаторларидан (ёки шунга ўхшаш идентификаторлардан) фойдаланиб харид бўйича операцияни (транзакцияни) аниқлаш имконини берадиган Ҳамкор ва/ёки у фойдаланадиган ускуна (терминал) тўғрисидаги маълумотлар (маълумотлар жамланмаси).
 - (15) **Логотип** - тегишли тартибда рўйхатдан ўтган, лекин товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) сифатида рўйхатдан ўтмаган, товарларни (ишларни, хизматларни, интеллектуал фаолият натижаларини) индивидуаллаштириш учун хизмат қиладиган, Банк ва/ёки Ҳамкорга ўзининг хўжалик фаолиятига қонуний асосда тегишли бўлган ва/ёки фойдаланиладиган товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ва/ёки бошқа белги (график, сўз орқали ифодаланадиган ва ҳ.з.);
 - (16) **Ҳамкорнинг РАМи** - Томонлар тарафидан келишилган реклама ва/ёки бошқа ахборот материаллари, жумладан, Банк томонидан банкнинг Сайтида ва/ёки Банк ва/ёки учинчи шахсларнинг бошқа реклама майдончаларида жойлаштириладиган, Ҳамкор ва/ёки у реализация қиладиган Товарлар ҳақида реклама ва/ёки бошқа ахборот бўлган матнли, график ва/ёки аралаш материаллар. Ҳамкорнинг РАМи остида Банк жойлаштириши учун бевосита Ҳамкор томонидан тақдим этилган реклама-ахборот материаллари ҳам, Томонлар ўртасида Қоидаларда ўрнатилган тартибда келишилган, Ҳамкор тўғрисидаги реклама-ахборот материаллар бўлган материаллар ҳам тушунилади;
 - (17) **Иш куни** - ишламайдиган байрам куни бўлмаган ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан кўчирилган дам олиш куни бўлмаган душанбадан жумага қадар ҳар қандай кун;
 - (18) **Электрон манзиллар** - ҳар бир Томоннинг юридик аҳамиятли ахборотли ўзаро алоқа сифатида фойдаланадиган электрон почта манзиллари. Банкнинг электрон манзиллари мазкур Қоидаларда кўрсатилган. Ҳамкорнинг электрон манзиллари Битимда кўрсатилади;
 - (19) **Электрон ҳужжатлар айланмаси (ЭҲА) оператори** - Томонлар ўртасида электрон ҳужжатлар айланмаси доирасида телекоммуникацион алоқа каналлари орқали очиқ ва махфий ахборотлар алмашинувини таъминловчи ташкилот. Банк Faktura.uz ЭҲА Операторининг абоненти ҳисобланади, «Space Online Genesis» Масъулияти чекланган жамияти, СТИР 302 563 857.
 - (20) **Базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)** - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатиладиган кўрсаткич.
 - (21) **"Жойларда" тўлов қилиш** - бу ANORBANK иловаси ёрдамида товарлар ва хизматлар учун тўлов қилишнинг муқобил усули
 - (22) **QR-ҳисоб** - бу QR-online тизими орқали транзакция операцияларини олиш учун АБТ (автоматлаштирилган банк тизими) банк тизимида рўйхатдан ўтадиган ҳисоб.
 - (23) **Е-POS терминал** - бу АБТ (автоматлаштирилган банк тизими) банк тизимида рўйхатдан

ўтадиган мижознинг виртуал терминали. E-POS терминал банкнинг мулки ҳисобланади ва Шартнома муддати давомида ўрнатилади.

- (24) **Мерчант кабинети** - бу Мижозга тўлов маълумотларига кириш, шунингдек статистикани кўриш, ҳисоботларни тузиш имконини берувчи веб-илова
- (25) **Савдо маълумотлари параметрлари** - бу Банк томонидан Фойдаланувчининг банк (пластик) картасидан электрон тўловларни қайта ишлаш учун зарур бўлган маълумотлар.
- (26) **Тизим** - бу масофавий банк хизмати, интернет-эквайринг хизматларини кўрсатиш, хусусан, товарлар/ишлар/хизматлар ёки Мижознинг рақамли/электрон контенти учун Фойдаланувчининг банк (пластик) картасидан амалга ошириладиган электрон тўловлар бўйича маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил этиш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган банк дастурий комплекси.
- (27) **Тўлов воситаси** - Тўловчиларга ўзларининг банкдаги ҳисобларини бошқариш, товарлар/ишлар/хизматлар ёки рақамли/электрон таркиб учун тўловларни мобил илова ёки веб-илова (Интернет тармоғи) орқали амалга оширишга имкон берадиган аппарат-дастурий комплекс.

2. БИТИМНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

2.1. Битимнинг предмети

2.1.1. Битим ва Қоидаларда ўрнатилган тартибда ва шартларда Банк Ҳамкорга банк карталари бўйича тўловларга ишлов бериш хизматларини (кейинги ўринларда - "Хизмат") ҳамда ахборотли ва технологик ўзаро алоқа хизматларини, жумладан, банк карталари билан операциялар бўйича, шунингдек, «Anor Merchant» дастурий таъминоти ёрдамида ахборотни йиғиш, ишлов бериш ва тақдим этиш хизматларини кўрсатади, Ҳамкор эса Банк томонидан кўрсатилган хизматларни қабул қилиш ва Ҳамкорнинг бизнес-манфаатларини қондиришга қаратилган мазкур Битимда ўрнатилган тартибда ва шартларда уларга ўз вақтида тўлов қилиш мажбуриятини олади.

2.1.2. Битим доирасида Банк Ҳамкорга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

(А) Битим бўйича ўзаро алоқа доирасида Ҳамкорга ахборот хизматларини кўрсатиш;
(Б) тўлов платформаларининг технологик ўзаро алоқаси бўйича хизматларни кўрсатиш, жумладан, Ҳамкорнинг Харидорлари (Мижозлари) харид қилишда тўловларни амалга оширганда Ҳамкорга қулайлик яратиш учун банк карталари билан операциялар бўйича (Банкнинг интеллектуал қарорлари доирасида) ахборот йиғиш, ишлов бериш ва тақдим этиш хизматларини кўрсатиш.

(В) Интернет тармоғида (жумладан, лекин Банкнинг Сайти билан чекланиб қолмасдан) Ҳамкорнинг СНсида харид қилиш учун Мижозларни жалб қилишга қаратилган Ҳамкорнинг РАМини жойлаштириш орқали, ҳамда Ҳамкорнинг РАМи бўлган электрон почта хабарларини ва/ёки СМС-хабарларни юбориш орқали Мижозни Ҳамкор ҳақида хабардор қилиш;

(Г) Харидорлар томонидан картадан фойдаланиб амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ахборотни йиғиш ва ишлов бериш, Томонлар тарафидан Регламентда келишилган тартибда ва шартларда Ҳамкорга амалга оширилган харидлар (харидлар рўйхати) тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш. Битим доирасида Банк Ҳамкорга банк сири бўлмаган ахборотни ҳамда Мижозларнинг қандайдир бўлмасин шахсий маълумотларини бермаслигига Томонлар алоҳида келишиб олдилар, Банк томонидан Ҳамкорга бериладиган барча ахборот, жумладан, ҳисоботдаги (харидлар рўйхатидаги) ахборот шахссизлантирилган (персоналлаштирилмаган) табиатга эга.

(Д) Ҳамкорни ва/ёки Ҳамкорнинг РАМи (жумладан, лекин шулар билан чекланмасдан, стикерлар, стендлар, плпкатлар, мобайллар, тейбл-тентлар, аудио- ва видеороликлар ва ҳ.з.) зикр этилган Карта тўғрисидаги реклама-ахборот материалларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, жойлаштириш, реклама-ахборот материалларини бевосита Ҳамкорнинг ўзи Банкнинг кўмагида Ҳамкорнинг Сайтида ва/ёки Ҳамкорнинг СНсида жойлаштириши мақсадида улар билан

Ҳамкорни таъминлаш;

(Е) Томонлар ўртасида Битимга бўлган қўшимча келишувларда ёки алоҳида шартномалар асосида келишилган тартибда ва шартларда молиявий хизматларни кўрсатиш.

2.1.3. Ҳамкор кўрсатилган Хизматларни тегишли равишда қабул қилиш ҳамда Банкка Қоидаларда ўрнатилган тартибда ва муддатларда Хизматлар учун мукофот тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатилган Хизматлар учун Банкка тўланадиган мукофотнинг ҳажми ва/ёки уни аниқлаш тартиби Томонлар ўртасида Битимда келишилади.

2.1.4. Томонлар Битимни бажаришга, жумладан, Банк Хизматларни кўрсатишга Қоидаларга мувофиқ, Битим кучга кирган санадан бошлаб киришишади ва ўз мажбуриятларини Битимнинг бутун амал қилиш даври давомида, Қоидаларда ва/ёки Томонларнинг қўшимча Битимида назарда тутилган ҳолларда эса унинг амал қилиш муддати тугагандан кейин ҳам бажариш мажбуриятини оладилар.

2.1.5. Банк Ҳамкорга Банкнинг ўрнатилган Тарифи бўйича молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматларини кўрсатиши мумкин. Ушбу хизматни улаш учун Ҳамкор масофавий банк хизматлари (МБХ) каналлари орқали Банкка мурожаат қилади.

2.2. Хизматларнинг нархи ва ҳисоб-китоблар тартиби

2.2.1. Хизматлар кўрсатилганлиги учун Банкни мукофотлаш (Хизматлар қиймати) ва уни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш тартиби Томонлар тарафидан Битимда келишилади.

2.3. Қўшимча шартлар

2.3.1. Товарни реализация қилишда Харидор ва Ҳамкорнинг ҳамда банк хизматини кўрсатиш доирасида Мижоз ва Банкнинг вужудга келадиган муносабатлари Битимнинг тартибга солиш предметига кирмайди. Кўрсатилган муносабатлар Харидор ва Ҳамкор ва/ёки Мижоз ва Банк ўртасида содир этиладиган мустақил келишувлар (шартномалар, битимлар) асосида вужудга келади ва Банк ва (Харидор ва Ҳамкор ўртасида муносабатлар доирасида) Ҳамкор (Мижоз ва банк ўртасидаги муносабатлар доирасида) учун қандайдир мажбуриятларни юзага келтирмайди, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса.

2.3.2. Ҳамкор ва Харидор ўртасидаги ўзаро муносабатлар Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш низомига асосан тартибга солинади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. Банк Ҳамкорга кўрсатиладиган хизматларнинг тегишли сифатини таъминлаш, жумладан, Мижозларни Ҳамкордан харид қилишга чақирувчи реклама-ахборот материалларни Интернет тармоғида, шу жумладан, банкнинг Сайтида жойлаштириш ва/ёки жойлаштирилишини таъминлаш орқали Ҳамкор ва Ҳамкорнинг Савдо нукталарида реализация қилинадиган товарлар ҳақида хабардор қилиш мажбуриятини олади. Барча жойлаштириладиган материаллар ва уларнинг ҳажми Томонларнинг ҳар бирининг электрон манзилларидан фойдаланию электрон почта хабарлари билан алмашиш орқали ёки масофавий банк хизматларини кўрсатиш (МБХ) каналлари орқали олдиндан келишилади.

3.1.2. Реклама тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш шартида Банк Мижозлар ўртасида бундай Мижозларга Ҳамкорнинг ва/ёки Ҳамкорнинг СНсида реализация қилинадиган Товарларнинг рекламаси бўлган электрон почта хабарларини ва/ёки СМС-хабарларни/PUSH хабарларни жўнатиш йўли билан реклама туридаги жўнатмаларни ташкил этади ва ўтказилишини таъминлайди. Мазкур билан Ҳамкор Қоидаларда белгиланган жўнатмаларни йўқотишларсиз ва бузилишларсиз ўтказилишини таъминлаш учун Банк жавобгар эканлигини тан олади ва тушунади, лекин ушбу хабарлар тегишли Мижозлар томонидан олинмаслиги учун жавобгар ҳисобланмайди. Ҳар бир тегишли жўнатмани ўтказиш санасига Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Мижознинг электр алоқа тармоқлари орқали юбориладиган рекламани олишга бўлган розилигига эга эканлигини кафолатлайди.

3.1.3. Банк 7 (етти) календарь куни олдин Банкнинг Сайтида/шахсий кабинетидан

Қоидаларнинг янги таҳририни (ўзгартиришларни, қўшимчаларни, ҳужжатларни ва ҳ.з.) жойлаштириш (Ҳамкорни хабардор қилиш) орқали Қоидаларнинг шартини бир томонлама тартибда ўзгартиришга/ўзгартириш киритишга ҳақли. Банкнинг сайтида/шахсий кабинетидида ҳужжатларнинг янги таҳририни жойлаштириш Банкнинг Ҳамкорларга йўналтирилган офертаси (таклифи) ҳисобланади.

3.1.4. Банк томонидан мазкур Қоидаларга таклиф этиладиган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчаларга Ҳамкорнинг розилиги (акцепт) куйидаги усулларнинг ҳар қандайи билан амалга оширилади:

1) киритиладиган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчаларга ёзма тасдиқни/розиликни (акцептни) Банкка юбориш орқали;

2) Банкнинг кўрсатилган таклифига (офертага) Ҳамкорнинг розилик аломати бўлиб Банкка бундай ўзгартиришларга ва/ёки қўшимчаларга ёзма рад жавобини тақдим этмаслик ва Битим доирасида Хизматларни олишни давом этишлик тушунилади;

3) Қоидаларнинг янги таҳрири (ўзгартиришлар, қўшимчалар, ҳужжатлар ва ҳ.з.) кучга киргандан кейин Ҳамкор уларда кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни (товарларни реализация қилиш, хизматларни тақдим этиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.з.) амалга ошириши акцепт ҳисобланади.

3.1.5. Мижозлар Банкка Ҳамкорнинг фаолияти билан боғлиқ масала бўйича мурожаат қилганида, Мижоз қизиқтираётган саволларга жавоб олиши учун Банк Мижозга Ҳамкорнинг алоқа маълумотларини тақдим этади. Банкка Ҳамкорнинг фаолияти билан боғлиқ аризалар ва/ёки шикоятлар келиб тушган тақдирда, улар Банкка келиб тушган пайдан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида Банк уларни Ҳамкорга юбориш мажбуриятини олади (Ҳамкорнинг электрон манзилига/шахсий кабинетига скан-нусхаси кўринишида).

3.1.6. Ҳамкор мурожаат қилган тақдирда, Банк мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ, Мижозлар томонидан Карта ва унинг реквизитларидан фойдаланиб Ҳамкорда амалга оширилган айланмалар тўғрисидаги ҳисоботни Ҳамкорга тақдим этиш мажбуриятини олади.

3.1.7. Банк Ҳамкорни қандайдир қўшимча огоҳлантирмасдан ва/ёки у билан келишмасдан хизматларни кўрсатишга учинчи шахсларни жалб қилишга ҳақли, шу ўринда бундай шахсларнинг ҳаракатлари учун Банк ўзининг ҳаракатларига жавобгар бўлгандек жавобгар бўлади.

3.1.8 Ҳамкор мижозларининг ҳисобларига ва "ANOR BANK" АЖ мобил иловаси орқали тўловни амалга оширган идентификацияланган мижозларга Ҳамкорнинг топшириғи бўйича Кэшбек тушириш

3.1.9 Куйидаги ҳолатларда Банк Ҳамкорлик Битимининг 1.2 ва 2.1 бандларига ўзгартиришлар киритишни рад этиши мумкин:

- Ҳамкор Банкни белгиланган муддатда хабардор қилмаган;
- Ҳамкор Битим бўйича битти ёки бир нечта мажбуриятларини бажармаган;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган бошқа ҳолатларда.

3.2. Ҳамкорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. Хизматлар кўрсатишнинг бутун муддати давомида Хизматларни кўрсатишда, жумладан, Ҳамкорнинг Сайтида ва/ёки Ҳамкорнинг СНсида Банк томонидан тайёрланган (яратилган) ва Ҳамкорга берилган, Қоидалар (Ҳамкорлик тармоғида иштирок этиш тўғрисида) доирасидаги Банк билан ҳамкорлик ҳақидаги реклама материалларини, жумладан Ҳамкорнинг РАМини жойлаштиришда Ҳамкор Банкка кўмаклашиш мажбуриятини олади. Бундай реклама материалларининг турлари, жумладан Ҳамкорнинг РАМи, уларни жойлаштириш усуллари, Ҳамкор Ҳамкорлик тармоғида иштирок этиши тўғрисида Харидорларни хабардор қилиш хусусиятлари ҳамда Томонлар зарур деб топган Ҳамкорнинг сайтида ва/ёки Ҳамкорнинг СНсида Харидорларни хабардор қилишнинг бошқа шартлари Томонлар тарафидан электрон почта хабарларини алмашиш, ҳар бир Томоннинг электрон манзилларидан ва шахсий кабинетидан фойдаланиб, МБХ воситалари орқали келишилади.

3.2.2. Ҳамкорнинг СНсида реализация қилинадиган товарларни Картадан ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб харид қилиш истагида бўлган Мижозларга Ҳамкор унинг СНсида бошқа Харидорлар ва/ёки бошқа тўлов усуллари учун ўрнатилган шароитлардан ёмон бўлмаган хизматларни таъминлаб бериши шарт. Харидор томонидан Ҳамкорнинг нарх сиёсатига нисбатан шикоятлар вужудга келган тақдирда, Ҳамкор бундай шикоятларни Банкнинг иштирокисиз ўзи мустақил равишда ҳал этиши шарт. . Банк фақат қарз маблағларини бериш йўли билан Мижозларни молиялаштиришини ва Ҳамкорнинг нарх сиёсатига аралашмаслигини Ҳамкор тасдиқлайди.

3.2.3. Битим амал қилишининг бутун муддати давомида Ҳамкор Банкнинг манзилига хабар юбориш орқали Банкка долзарб Идентификаторлар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш ҳамда бундай Идентификаторлардаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида Банкни олдиндан хабардор қилиш, бундай олдиндан хабардор қилиш имкони бўлмаганда эса- бундай ўзгариш пайдо бўлган вақтдан бошлаб хабардор қилиш мажбуриятини олади. Банкка долзарб Идентификаторлар тўғрисидаги маълумотларни юбормаслик билан боғлиқ ҳар қандай эҳтимолли йўқотишлар, жумладан, Хизматлар кўрсатилганлигини учун Банк мукофотни ҳисоблаши ва/ёки Ҳамкорда харид қилишда Харидорда Картадан фойдаланиш имкони бўлмаслиги билан боғлиқ ва шундан келиб чиқадиган салбий репутацион самаранинг оқибатлари Ҳамкорнинг ўзининг зиммасига ётади.

3.2.4. Қоидаларнинг 4 бўлимида назарда тутилган тартибда Ҳамкор Банк томонидан кўрсатилган Хизматларни қабул қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўлақонли тўлов қилиш мажбуриятини олади.

3.2.5. Банк томонидан Хизматлар кўрсатилишида янада самаралироқ ҳамкорлик қилиш ҳамда бундай ахборотларни Мижозларнинг эътиборига етказиш мақсадида Ҳамкор Банкка Ҳамкорнинг манзилли промо-акциялари ва бошқа махсус таклифлари ҳақидаги ахборотни тақдим этишга ҳақли.

3.2.6. Харидорлар Ҳамкорга Банк фаолияти, Картанинг амал қилиши билан боғлиқ масалалар бўйича мурожаат қилганида, Ҳамкор Харидорга қизиқтираётган масалалар бўйича ахборот олиш учун у тақдим этган алоқа маълумотлари бўйича Банкка мурожаат қилишни таклиф этади. Ҳамкорга Банкнинг фаолияти билан боғлиқ аризалар ва/ёки шикоятлар келиб тушганида, улар Ҳамкорга келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида Ҳамкор қабул қилинган шикоятларни (Банкнинг Электрон манзилига скан-нусхаси кўринишида) Банкка жўнатиш мажбуриятини олади.

3.2.7. Ҳамкор Савдо нуқтасининг тахминий ёпилиш санасидан 15 (ўн беш) календарь кунидан кечикмасдан ҳудудда Муддатли тўлов Дастурининг реализацияси амалга оширилаётган Савдо нуқтасини ёпилиши ҳақида Ҳамкор Банкни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

3.2.8. Ҳамкорнинг фаолиятидаги барча аҳамиятли ўзгаришлар, жумладан Ҳамкорни идентификация қилиш учун Банкка маълум бўлиши керак бўлган: Ҳамкорнинг номланиши ёки жойлашган жойининг ўзгариши, Ҳамкорни қайта ташкил этилиши, Ҳамкорни банкрот деб тан олиш тўғрисида ариза бериши, банкротликнинг ҳар қандай тартибини киритилиши, тугатиш комиссиясини тайинланиши, таъсисчилар таркибининг ўзгарганлиги ва бошқа ўзгаришлар ҳақида Битимда назарда тутилган усуллардан бирида кучга кирган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечикмасдан Ҳамкор Банкни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

3.2.9. Банкнинг Логотипи ишлатиладиган ахборотни, ҳужжатларни, реклама материалларини Ҳамкор Банк билан олдиндан ёзма равишда келишиш мажбуриятини олади;

3.2.10. Бухгалтерия ва солиқ ҳисобини аниқ юритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ органларига ҳисоботларни тақдим этиш учун Ҳамкор шахсан жавобгар бўлади ва Ҳамкорлик тармоғидаги иштирокидан тушган савдо тушумини бирламчи ҳужжатлар (Карталардан фойдаланиб Товарларга тўлов қилинганда тўлов терминалларининг чеклари) асосида аниқлаш мажбуриятини олади.

3.2.11. Ҳамкор тўловларни Банк карталари бўйича қабул қилганлиги учун Харидордан

кўшимча тўловни талаб қилишга ҳақли эмас.

3.2.12. Ҳамкор қайта ишонтиришга ва бошқа тўлов усулларини таклиф қилишга ёки Харидор товарга Банкнинг Карталари билан тўлов қилиш истагида бўлса, уни рад этишга ҳақли эмас.

3.2.13. Ҳамкор товарнинг қийматини оширишга ҳақли эмас.

3.2.14. Ҳамкор Товар/Хизматнинг ўрнига нақд пул маблағларини беришга ҳақли эмас.

3.2.15. Ҳамкорнинг ходимлари, таъсисчилар ва уларнинг яқин қариндошлари, аффилиланган шахслар, жумладан, аффилиланган шахсларнинг ходимлари ўзини-ўзи молиялаштириш мақсадида ўз дўконларидан Банкнинг муддатли тўлов карталаридан фойдаланиб Товарлар харид қилишга ҳақли эмас.

3.2.16. Фирибгарлик сифатида баҳоланадиган ёки ишлаш қодаларининг бузилишига олиб келадиган операциялар учун Харидорлар ёки бошқа шахслар билан тил бириктиришга ҳақли эмас.

3.2.17. Банк Мижозларини шу банкнинг карталари билан тўлов қилиш имкони борлиги ҳақида хабардор қилиш учун Ҳамкор ҳар бир савдо нуктасида Банк ишораларини жойлаштириши керак.

3.2.18. «ANOR» ва «TRIA» карта эгалари ҳисобланган ўзининг жисмоний шахс бўлган Мижозларини хизмат кўрсатиш шартлари ҳақида хабардор қилиши.

3.2.19. Ҳамкор ойда бир марта Ҳамкорлик Битимининг 1.2 ва 2.1 бандларига ўзгартиришлар киритиш борасида Банкка ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

3.2.20. Банкка маҳсулот ва хизматларнинг тўғри идентификация кодини (МХИК) тақдим этиш.

3.2.21. Савдо маълумотлари Параметрларини қабул қилиш, текшириш ва юборишга қўйиладиган техник талабларга, шунингдек тизим билан ишлаш қодаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳаракат қилиш;

3.2.22. Тизимнинг ажралмас қисми бўлган Мерчант кабинетда мажбурий тарзда рўйхатдан ўтиш (манба: <https://merchant.anorbank.uz>)

3.2.23. Шартномани тузиш ва рўйхатдан ўтказишда Банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш: "ANOR BANK" АЖДа транзит ҳисобларини очиш учун ариза, корхона раҳбари ва бош бухгалтерни (агар мавжуд бўлса) тайинлаш тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари, шунингдек уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари ва корхонани рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган раҳбарлар учун Мижоз қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ваколатли органлардан олинган рухсатномани тақдим этади.

3.2.24. Сайтдаги ФМО ахборот тизими билан интеграция қилиш учун my.soliq.uz сайтида солиқ тўловчининг шахсий кабинетида, панельда "ташкilot комиссиянерлари рўйхатини шакллантириш" тугмачасини топинг ва устига босинг, қалқиб чикувчи шаклни тўлдиринг ва Банкни "комиссиянер" сифатида кўшинг;

3.3. Логотиплар

3.2.12. Битимни бажаришда ҳар бир Томон бошқа Томонга у тақдим этаётган Логотипларни Битим бўйича Хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ реклама-ахборот материалларида Битимнинг амал қилиш муддати давомида Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудида тиражини чекламасдан жойлаштиришга ўз розилигини тақдим этади. Томонларнинг ҳеч бири бошқа Томонга Логотиплардан фойдаланишга махсус ҳуқуқларни бермайди, уларни фақатгина маркетинг мақсадларида, реклама ва ахборот мақсадларида жойлаштириш мумкин, шу сабабли тақдим этаётган Томон ҳеч қандай йиғим, тўлов ва роялти тўламайди.

3.2.13. Логотиплардан ҳар қандай фойдаланиш, жумладан, Томонларнинг бирининг Логотипи жойлаштирилган ҳар бир аниқ реклама-ахборот материали шу Томон билан келишилиши керак. Шу ўринда Электрон манзилларда ёки МБХ орқали электрон почта хабарларини алмашишга йўл қўйилади.

3.2.14. Битим нотўғри талқин қилинишини олдини олиш мақсадида Томонлар шундан келиб чиқадики, Қоидаларнинг мазкур 3.3 бандига мувофиқ бошқа Томонга тақдим этилган Логотипларни юқорида кўрсатилган мақсадларда жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси товар белгилари тўғрисидаги қонунчилигининг тушунчасида товар белгиларидан фойдаланиш деб ҳисобланмайди.

3.2.15. Томонларнинг ҳар бири у тақдим этаётган Логотиплардан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ҳеч қандай тарзда бузмасдан фойдаланиш имконини берадиган барча зарур расмийчиликларни амалга ошириш мажбуриятини олади (жумладан, бевосита ҳуқуқ эгаларидан зарур руҳсатларни олади).

Томонга бошқа Томон тақдим этган Логотиплардан Битимга мувофиқ фойдаланишга тўғридан-тўғри ёки билвосита асосланган қандайдир шикоятлар тақдим этилган тақдирда, бундай Томон тегишли шикоят берилган Томоннинг манфаатида шикоятларни (шу жумладан, ўз манфаатларининг зарарига) ўзининг ҳисобидан ҳал қилиш ҳамда ушбу Томонга бундай шикоятларни қондириш туфайли юзага келган, ҳужжатлар билан тасдиқланган зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

3.3. Томонларнинг ўзаро алоқалари

3.3.1. Агар Томонлар ўртасида ўзаро алоқанинг бошқа тартиби кўшимча тарзда келишиб олинмаган бўлса, Томонлар юридик аҳамиятли ўзаро алоқаларни ёзма ва электрон корреспонденция орқали амалга оширадилар.

3.3.2. Томонлар Ҳамкор ва Банкнинг биргаликдаги акциялари доирасида ўтказиладиган турли тадбирлари (совғали манзилли промо-акциялари ва бошқа махсус таклифлари) тўғрисидаги келишилган ахборотларни олинишини, ишлов берилишини ва Мижозларга етказилишини ташкил этиш мажбуриятини оладилар.

3.4.2. Томонлар шундай тўхтамга келдилар- агар алмашув ҳар бир Томоннинг Электрон мазилларидан ёки МБХ воситаларидан фойдаланиб амалга ошириладиган электрон почта хабарлари орқали амалга оширилган бўлса (шунингдек, тегишли электрон манзиллар тўлиқ ёки аҳамиятли тарзда тегишли Томоннинг назорати остида эканлигини ва улар орқали хабарларни жўнатадиган шахслар юридик аҳамиятли ҳаракатларни бажаришга тегишли тарзда ваколатланганлигини эътиборга олиб), бу ҳолат Томонлар тарафидан қоғозли ҳужжатлар алмашинувига тенглаштирилади. Тегишли электрон ҳужжатлар (электрон почта хабарлари) қоғозли ҳужжатлар каби юридик кучга эга, жумладан, Томонлар, бошқа органлар учун тегишли далил ҳисобланади ва низоли ҳолатларда судга тақдим этилиши мумкин.

4. ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНМАСИ, КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4.1. Электрон ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш шартлари

4.1.1. Битимни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш мақсадида Томонлар "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда - "ЭРИ") билан имзоланган ҳужжатларнинг электрон алмашинувини электрон ҳужжатлар алмашинуви (кейинги ўринларда - "ЭҲА") тизимидаги телекоммуникацион алоқа каналлари орқали амалга оширишга ҳақли.

Томонлар ЭҲАни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжатлар алмашинуви тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида"ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигининг бошқа қоидаларига мувофиқ амалга оширадилар.

4.1.2. Томонлар ЭҲАни ташкил этиш учун ЭРИдан фойдаланадилар, бу эса Ҳамкор махсус ваколатланган орган (кейинги ўринларда - "МВО") томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунининг меъёрларига мувофиқ электрон имзони текшириш калити сертификатини олишини назарда тутди. Электрон имзо воситаларидан фойдаланиш шартлари, текшириш тартиби, калитлар ва ЭРИ сертификатларини ишлатиш қоидалари МВО меъёрий ҳужжатлари (регламентлари) томонидан ўрнатилади; мазкур

масалалар бўйича Томонлар МВО меъёрий ҳужжатларига риоя қиладилар.

4.1.3. Ҳужжатларни мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда электрон кўринишда ва ЭРИ билан имзоланган шаклда олиш қоғозли ҳужжатларни олишга тенглаштирилади ва электрон ҳужжат уни юборган Томондан келиб чиқишини ўрнатиш учун зарур ва етарлича шарт ҳисобланади.

4.1.4. ЭРИ билан имзоланган, мазмуни меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мос келадиган электрон ҳужжат Томонлар тарафидан бирламчи ҳисоб ҳужжати сифатида ҳисобга қабул қилиниши, суд муҳокамаларида далил сифатида ишлатилиши, охиригиларнинг сўрови бўйича давлат органларига тақдим этилиши керак.

4.1.5. ЭРИ калитларининг махфийлиги учун, ўзига тегишли бўлган калитлар унинг розилигисиз ишлатилмаслиги учун Томонларнинг ҳар бири жавобгар бўлади. Агар ЭРИ сертификатида орган ёки электрон ҳужжатни имзолашда ташкилот номидан ҳаракат қиладиган шахс кўрсатилмаган бўлса, унда имзоланган электрон ҳужжатни ҳар бир олиш ҳолатида электрон ҳужжатни оладиган Томон ҳужжат электрон ҳужжатни юборган Томоннинг номидан, ўзидаги мавжуд ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган тегишли шахс томонидан имзоланган деган виждонан фикрдан келиб чиқади.

4.2. ЭҲАдан фойдаланиб электрон ҳужжатларни алмашиш тартиби

4.2.1. Ҳамкор Битимни (шунингдек, унга бўлган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни) ЭҲАда электрон кўринишда ЭРИ билан имзолаш орқали Ҳамкорлик дастурига қўшилиш ҳақидаги ниятини ифода этишга ҳақли. Кўрсатилган усулда электрон кўринишда имзоланган Битим Қоидалар билан бирга юридик аҳамиятли битим ҳисобланади, имзоланган Битимни ЭҲАга юбориш йўли билан Ҳамкор Қоидаларнинг шарти билан танишиб чиққанлигини, уларни қўшилиш шартига нисбатан ҳеч қандай чиқариб олишларсиз ва чекловларсиз қабул қилишини тасдиқлайди (ЎзР ФМ 360 модда).

4.2.2. Томоннинг ички тизимларида техник носозлик содир бўлганда, Томонлар ЭРИ билан имзоланган электрон кўринишдаги ҳужжатларни алмашиш имкони йўқлиги ҳақида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт. Бундай ҳолатда ушбу носозлик амал қилиши дарвида Томонлар уларнинг вакилларининг шахсий имзоси қўйилган қоғозли ҳужжатлар билан алмашадилар.

4.2.3. Агарда бир ой давомида бирон-бир Томон МВО томонидан берилган ҳақиқий ЭРИ сертификатига эга бўлмаган тақдирда, Томонлар қандайдир қўшимча битимларни расмийлаштирмасдан ЭҲАни амалга оширишни тўхтатадилар ва ёзма кўринишдаги қоғозли ҳужжатлар алмашинувига ўтадилар.

4.3. Ҳизматларни қабул қилиш пайти

4.3.1. Ҳамкорнинг СНсида Мижознинг Картасидан фойдаланиб транзакция амалга оширилган пайтда Ҳизматлар Ҳамкор томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

4.4. Ҳизматлар кўрсатилганлиги учун ҳисоб-китоблар тартиби

4.4.1. Банк томонидан қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимдаги маълумотларга мувофиқ Банк кўрсатилган Хизматлар учун мукофотларни ҳисоблайди.

4.5. Тўлов бўйича мажбуриятларни бажариш пайти

4.5.1. Банк томонидан кўрсатилган Хизматлар учун Ҳамкор томонидан мукофот тўлаш пайти бўлиб Картадан пул маблағлари ечилиши пайти ҳисобланади.

4.6. Қўшимча шартлар

4.6.1. Томонлар Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган харид бўйича ҳар бир операция (транзакция) Банк томонидан Битим бўйича кўрсатилган хизматлар деб тан олинади ва мукофотни ҳисоблашда инобатга олинади деган тутамга келишди.

4.6.2. Томонлар шундай келишувга келдилар, Банкнинг кўрсатган Хизматларига мукофот тўлаш мақсади учун Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган харидлар бўйича операция (транзакция) унга Банк томонидан ишлов берилган пайтда, айнан, Карта бириктирилган Мижознинг банкдаги ҳисобидан Ҳамкорнинг СНсида амалга оширилган тўловнинг ҳисобига пул маблағлари ечилиши пайтида амалга оширилган деб тан олинади.

4.6.3. Мижоз томонидан Ҳамкорнинг ССКсида Карта ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб харид қилинган Товар ўн кун ичида қайтарилган тақдирда, Томонлар Банк мукофотининг коррективкасини Мижоз томонидан Товар қайтарилган Ҳисобот даврида бажарадилар.

4.7. Банк Картасидан фойдаланиб Ҳамкорнинг ССКсида харид қилинган Товарнинг қайтарилиши қуйидаги тартибга мувофиқ, харид қилинган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида амалга оширилади:

4.7.1. Харид қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида Мижоз тегишли сифатдаги ноозик-овқат товарни шунга ўхшаш товарга алмаштириш, бундай товар сотувда бўлмаган тақдирда - Харидорнинг карта ҳисобига (тўлов амалга оширилган ҳисобига) Ҳамкордан пул компенсациясини олиш мақсадида Ҳамкорга мурожаат қилади.

1) Ҳамкор кейинги кундан кечикмасдан Харидор томонидан товар қайтариб берилиши ҳақида мурожаат бўлганлигини Банкка хабардор қилади;

2) Мижоз мурожаат қилган куннинг эртасидан кечикмасдан Ҳамкор Товарни қабул қилиш ва пул маблағларини қайтариш ҳаракатларини амалга оширади, шу ўринда қайтариладиган сумма Харидорга тўлик миқдорда қайтарилади.

3) Пул маблағларини нақд шаклда қайтариш тақиқланади.

4.7.2. Агар Мижоз муддатли картадан фойдаланиб харид қилинган товарни/хизматни харид қилинган кундан ўн кун ўтгандан кейин қайтариш мақсадида Ҳамкорга мурожаат қилса, Ҳамкор қайтариб бериш ёки рад этиш масаласини ўзи мустақил тарзда ҳал қилади. Қайтариб беришга қарор қилинган тақдирда, Банк Ҳамкорга қуйидаги формула бўйича ҳисобланган комиссия мукофотини қайтаради:

1) Мукофот суммаси = Ҳамкордан олинган комиссия мукофоти - $\frac{\text{pos/e_pos}}{\text{мукофот суммаси}}$ харажатлари

2) Қайтариш суммаси = мукофот суммаси - $\frac{\text{мукофот суммаси}}{\text{мижоз муддатли тўловининг муддати}}$

5. МАХФИЙЛИК

5.1. Махфий ахборот

5.1.1. Ҳар бир Томон Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ махфий деб ҳисобланган (ёки хизмат, тижорат ёки бошқа сирни ташкил этган ахборотни) ахборотни, шу билан бир қаторда Томонлар тарафидан шундай деб ҳисобланадиган ёки шундан келиб чиқадиган, лекин қуйида санаб ўтилганлар билан чекланиб қолмасдан, ҳар қандай ахборотни ёки унинг қисмини махфий деб (кейинги ўринларда - "Махфий ахборот") тан олишга ҳақли.

(А) Томонларнинг ҳар бири махфийлик тартибини ўрнатадиган ҳар қандай ахборотни,

хусусан, ишлаб чиқариш сирига (ноу-хау), интеллектуал мулкка, лойиҳаларга бўлган ҳуқуқларга, маҳсулотга, келишувга, мижозларга, нархлар тузилмасига, маркетинг стратегияси ва фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотни ҳамда ушбу бандда кўрсатилган режаларга, мақсадларга ёки имкониятларга тааллуқли бўлган ахборотни;

(Б) учинчи шахсларга номаълум бўлганлиги туфайли ҳақиқий ёки потенциал тижорат кучига эга бўлган ҳар қандай маълумотлар ва ахборотлар, агар ушбу маълумотларга (ахборотларга) қонуний асосда эркин кириш имконияти бўлмаса ва, агар Томон ушбу маълумотларнинг (ахборотларнинг) махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўрса;

(В) Иккала Томон ўртасида имзоланган Битим, унга бўлган ҳар қандай қўшимчалар. Шу ўринда, Томонлар ўртасида Битим имзоланганлигининг ўзи махфий ахборот ҳисобланмайди. Хусусан, Битим имзоланганлиги фактини тасдиқлаш мақсадида ҳар бир Томон махфийликни сақлаш мажбуриятларини бузмаган ҳолда, жумладан, лекин инвестицион жамғармалар, банклар ва ҳоказолар билан чекланиб қолмасдан, ҳар қандай учинчи шахсларга Битим кўчирмаларининг матнидан тижорат шартларини (Хизматлар нархи тўғрисидаги шартларни) чиқариб ташлаб, бундай кўчирмаларни тақдим этишга ҳамда Битимнинг нусхаларидан (ксерокопияларидан) юқорида кўрсатилган тижорат шартларини чиқариб ташлаб, бундай нусхаларни (ксерокопияларни) тақдим этишга ҳақли.

5.2. Махфий ахборотни тақдим этиш

5.2.1. Махфий ахборот оғзаки равишда тақдим этилган ҳолатда унинг махфийлиги бундай ахборотни тақдим этиш билан бир вақтда ёзма шаклда тасдиқланиши керак. Шу ўринда, Махфий ахборот бўлган моддий ташувчиларга (ҳужжатларга) "Махфий" деган ёки, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ белгиланган ҳолатларда - тегишли Томоннинг тўлиқ номи ва жойлашган жойи кўрсатилиб, "Тижорат сири" деган маркировка туширилиши керак.

5.3. Эҳтиёткорлик чоралари

5.3.1. Томонларнинг ҳар бири бошқа Томоннинг махфий ахборотини ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини олади. Шу ўринда, Томонлар ўзларининг ишчиларига, пудратчиларига, аудиторларига ва бошқа учинчи шахсларга Махфий ахборот ёпик турда эканлиги ва бундай ахборотдан нусха кўчириш ёки уни ошкор этиш тақиқланганлиги ҳақидаги ахборотни етказиш мажбуриятини оладилар.

5.4. Истиснолар

5.4.1. Бошқа Томон тарафидан тақдим этилган (кейинги ўринларда - "Тақдим этаётган Томон") барча қуйидаги маълумотларга ҳеч бир Томон Махфий сифатида қараши ёки Битимнинг шартларига кўра улардан фойдаланиш, ошкор этиш ёки таснифлаш борасида қандайдир чекловларга амал қилишга мажбур эмас:

(А) учинчи шахсдан ҳуқуқий равишда олинган ва уларнинг махфий эканлиги шартсиз ошкор қилинган, ёки улар олган Томонга Тақдим этаётган Томон ошкор этгунга қадар маълум бўлган, ва (ёки)

(Б) ҳаммага маълум бўлган (шу ўринда, чекланган доирадаги шахсларга маълум бўлган маълумотлар ҳаммага маълум деб ҳисобланмайди), ёки қандайдир Томоннинг фаолияти соҳасида одатий тартибда ўз фаолиятини олиб бораётган ҳар қандай учинчи шахс томонидан осонгина олиниши мумкин бўлган, ва (ёки)

(В) ҳозирги вақтда ҳаммага маълум бўлган, ёки қандайдир учинчи шахсдан ушбу учинчи шахсда Тақдим этаётган томоннинг мазкур ахборотлар Махфий эмас деган кўрсатмаси билан олдиндан олинган ёзма розилиги мавжудлиги шартида Томонларнинг бири қонуний тартибда олиши мумкин бўлган.

5.5. Ошкор қилиш

5.5.1. Махфий ахборот учинчи шахсларга ошкор этилиши факти аниқланганда, олган Томон Тақдим этаётган томонни мазкур фактлар ва зарарни камайтириш бўйича кўрилган

чоралар ҳақида дарҳол хабардор қилиши керак.

5.5.2. Махфий ахборот ошкор этилишига йўл қўйган (қасдан ёки эҳтиёткорсизлик туфайли, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида) Томон бундай ошкор этилиши туфайли Тақдим этаётган томон кўрган зарарлар учун жавобгар ҳисобланади ва бундай зарарларни тўлиқ ҳажмда қоплаб бериш мажбуриятини олади.

5.6. Амал қилиш муддати ва қўлланилиши

5.6.1. Махфий ахборот тўғрисидаги ушбу бобнинг қоидалари Битимнинг бутун амал қилиш муддати давомида ва Битим бекор қилинган (тугатишган) пайтдан бошлаб 3 (уч) йил давомида амал қилади, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса.

5.6.2. Томонлар ўртасида Махфий ахборотнинг махфийлигини таъминлаш бўйича Томонларнинг ўзаро мажбуриятларини белгиловчи алоҳида махфийлик битимида бошқа шартлар келишилмаганлиги туфайли, Махфий ахборот тўғрисидаги мазкур бўлимнинг қоидалари қўлланилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Умумий қоидалар

6.1.1. Битим бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли равишда бажарилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Томонлар мулкӣ жавобгарликка тортиладилар, агар Битимнинг шартларида бошқаси назарда тутилмаган бўлса.

6.2. Ҳамкорнинг жавобгарлиги

6.2.1. Банк Хизматлари учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган ҳолатда, Ҳамкор томонидан Хизматларга тўлов қилиш мажбуриятлари бажарилмаган ва/ёки тегишли равишда бажарилмаганлиги учун Банк Ҳамкордан қуйидаги формула бўйича ҳисобланган жаримани ундиришга ҳақли:

Жарима суммаси = бажарилмаган мажбуриятлар суммаси / 200 * Муддати ўтказиб юборилган кунлар сони. Жарима мазкур Қоидаларга мувофиқ бундай тўлов амалга оширилиши керак бўлган пайтдан бошлаб Ҳамкор томонидан тўлов бўйича мажбуриятлари ҳақиқатан бажарилган пайтгача, кечиктирилган ҳар бир кун учун ҳисобланади, қўшиб ҳисобланади ва ундирилади. Жарима суммаси Ҳамкорнинг тўлов мажбуриятлари умумий қисмининг ½ дан ошмаслиги керак.

6.2.2. Ҳамкор томонидан тақдим этилган Логотиплардан Қоидалар ва/ёки Битимнинг шартларига мувофиқ фойдаланишга тўғридан-тўғри ёки билвосита асосланган шикоятлар Банкка тақдим этилган ҳолатда, Ҳамкор бундай шикоятларни ҳал этишда ўзининг ҳисобидан Банк томонида (шу жумладан, ўз манфаатларининг зарарига) чиқиш ҳамда бундай шикоятларни қондириш туфайли вужудга келган ҳужжатлар билан тасдиқланган зарарларни (ҳақиқий зиённи) Банкка қоплаб бериш мажбуриятини олади.

6.2.3. Банкка Ҳамкор РАМининг мазмуни ва/ёки жойлаштирилиши билан боғлиқ сўровлар, шикоятлар, талаблар, даъволар ва бошқа шу каби муурожаатлар (кейинги ўринларда - Талаблар), жумладан Ҳамкор томонидан мажбуриятлар ва қафолатлар (Қоидаларнинг 10-бўлими) ҳамда реклама тўғрисидаги қонунчилик бузилишига доир масалалар тақдим этилганда, Ҳамкор барча саъй-ҳаракатларини ишга солиш ва Талабларни ўзининг ҳисобидан ҳал этиш, Талаблар Ҳамкорнинг ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан ҳал этилмаса/ҳал этиш имкони бўлмаса, Талаблар туфайли Банкка етказилган зарарларни, жумладан, Банкка давлат органи ва/ёки суд тарафидан қўйилган жарималарни, Банк томонидан Банкнинг сайтида, Интернетдаги бошқа сайтларда реклама сифатида ва/ёки бошқа жойларда жойлаштирилган логотипларнинг эгаларининг фойдасига амалга оширилган тўловларни ҳамда Банк фуқаролик, маъмурий ва/ёки жиноий ишни кўриб чиқишда иштирок этишга жалб қилинганлиги учун Банк сарфлаган харажатларни тўлиқ ҳажмда қоплаб бериш мажбуриятини олади.

6.2.4. Ҳамкор томонидан Қоидаларнинг 3.2.2., 3.2.2- бандлари мунтазам равишда (2

мартадан ортик) бузилган тақдирда, Банк ушбу Битимни бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

6.2.5. Ҳамкор томонидан Қоидаларнинг 3.2.7 ёки 3.2.8-бандидаги мажбуриятлар бузилган тақдирда, Банк олдиндан шахсий кабинет орқали хабар бериш йўли билан ҳар бир қоидабузарлик ҳолати учун Ҳамкордан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравар миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

6.3. Банкнинг жавобгарлиги

6.3.1. Ҳамкорнинг РАМи келишилмаган ҳолатда ва Ҳамкорга Ҳамкорнинг келишилмаган РАМи билан боғлиқ маъмурий жарима солинганда, агар Ҳамкор суд муҳокамасига, суд жараёнига Банкни манфаатдор томон сифатида жалб қилган бўлса, Банк Ҳамкорга солинган маъмурий жаримани қоплаб бериш мажбуриятини олади.

6.3.2. Банк томонидан тақдим этилган Логотиплардан Қоидалар ва/ёки Битимнинг шартларига мувофиқ фойдаланишга тўғридан-тўғри ёки билвосита асосланган шикоятлар Ҳамкорга тақдим этилган ҳолатда, Банк бундай шикоятларни ҳал этишда ўзининг ҳисобидан Ҳамкор томонида (шу жумладан, ўз манфаатларининг зарарига) чиқиш ҳамда бундай шикоятларни қондириш туфайли вужудга келган ҳужжатлар билан тасдиқланган зарарларни (ҳақиқий зиённи) Ҳамкорга қоплаб бериш мажбуриятини олади.

6.4. Жарима тўлаш

6.4.1. Бундай жаримани тўлаш учун ҳуқуқи бузилган Томоннинг бошқа Томонга қаратилган ёзма шикояти ҳамда жариманинг миқдори алоҳида қаторда кўрсатилиши керак бўлган тақдим этилган ҳисоб асос бўлади. Жаримани тўлаш айбдор Томонни Битим бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Шикоятга қайтариладиган жавобнинг муддати Томонлар ўртасида шикоятларни кўриб чиқиш учун келишилган ва Қоидаларнинг 8 бўлимида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги керак.

6.5. Томонлар жавобгарлигини чеклаш

6.5.1. Ахборот алмашинуви тартиби ва шартларига тааллуқли қисмида, юбориладиган маълумотлар йўқолишининг ва/ёки етказиб бериш имконсизлигининг сабаби бўлган телекоммуникация тармоқлари ва/ёки ускуна ишида носозликлар содир бўлганда, агар ишида шундай носозликлар содир бўлган Томон бу ҳақда дарҳол (имкон қадар) бошқа Томоннинг Электрон почта манзилига электрон почта хабарини юбориб ва/ёки тегишли хабарнинг юборувчисини ва қабул қилувчисини аниқлаш имконини берадиган ҳар қандай бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиб телефон, факс орқали ва ҳ.з), бошқа Томонни хабардор қилганда ва бундай носозликлар ушбу Томоннинг айби билан содир бўлмаганда Томонлар Битим бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ва/ёки тегишли равишда бажарилмаганлиги учун бир-бирларининг олдида жавобгар бўлмайдилар. Шу ўринда, Битимни ижро этишда ўзаро алоқа қилиш мақсадида Томонлар ўзлари келишган бошқа қўшимча алоқа воситаларидан фойдаланишлари мумкин.

7. ЕНГИЛМАС КУЧ ВАЗИЯТЛАРИ

7.1. Умумий қоидалар

7.1.1. Битим бажарилишига тўғридан-тўғри ёки билвосита тўсқинлик қилувчи енгилмас куч оқибатлари, яъни Томонлар хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, Битимни тузиш пайтида Томонлар олдиндан била олмайдиган ва улар содир бўлганда оқилона воситалар билан баргараф этиб бўлмайдиган шароитлар таъсир қилган ҳолатда Томонлар Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тегишли равишда бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Енгилмас куч шароитларининг рўйхати

7.2.1. Қоидаларнинг 7.1 бандида кўрсатилган шароитларга қуйидагилар киради, хусусан: зилзила, сув тошқинлари, бошқа табиий офатлар, уруш ва ҳарбий ҳаракатлар, қўзғолонлар, эпидемиялар, иш ташлашлар, фуқаролик исёнлари, ҳуқуқат органларининг Битим

имзолангандан кейин кучга кирган хужжатлари.

7.3. Хабардор қилиш

7.3.1. Бундай шароитларнинг таъсирига тушган Томон эришимли воситалар, жумладан почта етказмаси, МБХ воситалари ва бошқа Томоннинг Битимда (Ҳамкорнинг) ва Қоидаларнинг (Банкнинг) 9.3. бандида кўрсатилган электрон манзилига электрон почтани юбориш орқали дарҳол (имкон қадар) бошқа Томонни тегишли шароитлар вужудга келганлиги ва эҳтимол давом этиши ҳақида хабардор қилиши керак. Хабарномада баён этилган фактлар савдо-саноат палатаси ёки бошқа мустақил ваколатли орган ёки ташкилот томонидан берилган расмий хужжат билан тасдиқланиши керак.

7.3.2. Агар енгилмас куч ҳолатлари вужудга келганлиги туфайли мажбуриятларни бажариш имкони бўлмаган Томон бошқа Томонга енгилмас куч ҳолатлари вужудга келганлиги ҳақида хабар бермаса, у ушбу ҳолатни сабаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, бундай ҳолатнинг ўзи хабар юборишга тўсқинлик қилган ҳолатлар бундан мустасно.

7.4. Оқибатлар

7.4.1. Қоидаларнинг 7.2 бандида назарда тутилган шароитларнинг вужудга келиши, Қоидаларнинг 7.3 банди талабларига риоя қилиш шартида, Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш муддатини вужудга келган енгилмас куч шароитининг амал қилиш муддатига ва унинг оқибатларини бартараф этишга кетадиган оқилона муддатга мувофиқ бўлган даврга узайтиради.

7.4.2. Мазкур Қоидаларнинг 7.4 бандида назарда тутилган шароитлар 1 (Бир) ойдан ортиқ давом этса, Томонлар Битимнинг кейинчалик юридик тақдирини биргаликда ҳал қиладилар, шу ўринда Томонларнинг ҳар бири Битим бекор қилинадиган санадан 30 (ўттиз) кун олдин бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиб, бир томонлама тартибда суддан ҳоли тартибда Битимни бажаришдан воз кечиши мумкин, шу ўринда Томонлар ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишлари керак.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Томонлар низоларни ҳал қилишнинг олдиндан шикоятли тартибини ўрнатадилар. Шикоятга жавоб қайтариш муддати тегишли шикоят йўналтирилган Томон тарафидан шикоят олинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) иш кунини ташкил этади.

8.2. Келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаганда, ушбу Битимдан келиб чиқадиган Томонлар ўртасидаги барча низолар ва Битим бажарилмаслигидан келиб чиқадиган мажбуриятлар, жумладан уларнинг бажарилиши, ўзгартирилиши, бекор қилиниши, тўхтатилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибга мувофиқ судда кўриб чиқилади.

9. ЮРИДИК АҲАМИЯТЛИ ХАБАРЛАР

9.1. Умумий қоидалар

9.1.1. Мазкур бўлимнинг мақсадлари учун билдиришнома, хабарнома ва/ёки бошқа юридик аҳамиятли хабарни юборадиган Томон "**Жўнатувчи**" деб аталади; юқорида кўрсатилган юридик аҳамиятли хабар юборилган Томон эса "**Олувчи**" деб аталади.

9.1.2. Битим бўйича кўрсатилган юридик аҳамиятли хабарлар (жумладан шикоятлар) ҳар бир Томонга электрон почта орқали Электрон манзилларга юборилади ёки бошқа эришимли каналлар орқали кейинчалик буюртма хат билан етказиб берилганлигини хабар қилиш шартида Олувчининг ҳақиқий (почта) манзилига мунтазам почта, курьерлик хизмати ёки курьер орқали қайта юборилади.

9.1.3. Қоидаларнинг шартларига кўра, электрон почта хабарларини алмашиш орқали ўзаро алоқа қилиш назарда тутилган бўлса, Қоидаларнинг мазкур 9.1.2 бандида кўрсатилган хабарларни кейинчалик қайта юбориш талаб этилмайди ва шу қаторда тегишли шартлар ҳеч қандай тарзда бундай хабарни моддий (қоғозли) ташувчида қайта юбориш мажбуриятини белгиламайди. Шу ўринда, Олувчи томонидан тегишли хабар қуйидаги ҳолларда олинган деб

ҳисобланади:

- (А) электрон почта орқали юборилганда - электрон почта хабари юборилган санада;
- (В) мунтазам почта орқали юборилганда - хат юборилган сана плюс 7 (етти) кун.

9.2. Реквизитларни ўзгартириш

9.2.1. Банкка нисбатан - Қоидаларнинг 13-бўлимида, ҳар бир муайян Ҳамкорга нисбатан - Битимда кўрсатилган реквизитлар ҳамда Электрон ва юридик манзиллар ва Томонларнинг ҳар бири ўзгарганда, Томонлар бундай ҳолатлар ҳақида бир-бирларини олдиндан хабардор қилиш мажбуриятини оладилар (қанчалик имконли бўлса), ўзгаришлар ҳақида улар кучга киришидан олдин хабардор қилиш имкони бўлмаганда - бошқа Томоннинг электрон манзилига электрон почта хабарини юбориш орқали ёки моддий (қоғозли) ташувчида хабарнома юбориш орқали бундай ўзгариш содир бўлган пайтдан бошлаб 3 (Уч) иш кунида давомида хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

9.2.2. Олувчи томонидан реквизитлар ўзгарганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар Олувчи томонидан унга маълум бўлган реквизитлар бўйича бажарилган мажбуриятлар тегишли равишда бажарилган деб ҳисобланади.

9.2.3. Мазкур Қоидаларнинг 9.2. бандига мувофиқ ўз реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бошқа Томонни хабардор қилмаган Томон, бошқа Томон тарафидан содир этилган ижрони қабул қилиш имконсизлиги хавфи учун ўзи жавобгар бўлади.

9.3. Электрон манзиллар

9.3.1. Битим бўйича мажбуриятлар тегишли равишда бажарилиши мақсадида Банкнинг қуйидаги электрон манзили ишлатилади:

info@anorbank.uz - реклама ахборотини келишиш, маркетинг тадбирларини ўтказиш (таъминлаш), Хужжатларни келишиш, Ҳамкорнинг Идентификаторларини ўзгартириш, Мижозларнинг шикоятларини кўриб чиқишда Томонларнинг ўзаро алоқа қилиши, шикоятларни юбориш ва ҳал қилиш учун ишлатилади;

9.3.2. Ҳамкорнинг электрон манзиллари:

Ҳар бир муайян Ҳамкорнинг электрон манзиллари ушбу Ҳамкор билан имзоланадиган Битимда кўрсатилган.

9.3.3. Ҳар бир Томоннинг электрон манзиллари Битим имзоланган пайтига ҳақиқий ва долзарб ҳисобланади ва Қоидаларнинг мазкур 9 бўлимида кўрсатилган тартибда ўзгартирилиши мумкин, шу ўринда Томонлар тарафидан Битимга қўшимчани (қўшимча битимни) тузиш моддий ташувчида (қоғозда) бошқа ҳужжатни тузиш каби талаб этилмайди.

10. КАФОЛАТЛАР ВА ИШОНТИРИШЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

10.1. Ҳамкор Битимни тузиш санасида Ҳамкорлик тармоғидаги мавжуд ССКлар рўйхати билан танишиб чиққанлигини ва Қоидалар ва/ёки ҳар бир муайян Ҳамкор билан тузилган Битим томонидан ўрнатилган қоидаларни ҳисобга олиб, Ҳамкорлик тармоғини тузиш, жумладан Ҳамкорлик тармоғига янги ССКларни қабул қилиш ҳамда мавжудларини чиқариб ташлаш (яъни, тегишли юридик шахслар ва/ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар билан шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва/ёки бекор қилиш) мутлақо Банкнинг ҳуқуқи эканлигига розилигини тасдиқлайди. Ҳамкорлик тармоғига кирувчи ССКлар таркибини ўзгартириш Банк томонидан Ҳамкор билан ҳеч қандай келишилмаган ҳолда амалга оширилади.

10.2. Ҳамкор мазкур билан қуйидагиларни кафолатлайди:

(1) Ҳамкорнинг РАМи амалдаги қонунчилик талабларига мос келади ва Интернет тармоғида жойлаштирилиши мумкин;

(2) Ҳамкорнинг РАМи шахснинг кадр-қимматини, иззати ва яхши номини, ишдаги обрўсини, шахсий ҳаётининг даҳлсизлигини, шахсий ва оилавий сирни ва бошқа номоддий бойликларни бузмайди, жумладан, Ҳамкорнинг РАМида фуқаронинг тасвири (жумладан, унинг фотосурати, ёки тасвирий санъат асари ҳамда у тасвирланган аудиовизуал ва шу каби асарлар) қўлланилганда, Ҳамкор фуқаронинг розилиги мавжудлигини кафолатлайди.

(3) Ҳамкорнинг РАМини жойлаштириш пайтида Ҳамкор барча зарур ҳужжатларни олган

ва/ёки уларга эга: рухсатномалар, лицензиялар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бошқа ҳужжатлар.

10.3. Ҳамкорнинг Битимни имзолаган ваколатли шахси Ҳамкорнинг таъсис ҳужжатларига ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда бериладиган, тегишли равишда расмийлаштирилган ишончномаларга мувофиқ тегишли равишда расмийлаштирилган ваколатларга эга.

10.4. Битимни тузиш (имзолаш) учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига, жумладан, лекин шу билан чекланиб қолмасдан, йирик битимларни ва/ёки манфаатли битимларни маъқуллаш тартибига мувофиқ талаб этиладиган барча зарур розиликлар ва маъқулланишлар олинганлигига Ҳамкор Банкни қафолатлайди ва ишонтиради.

10.6. Ҳамкор Битимни тегишли тарзда бажариш учун зарур бўлган ташкилий, молиявий, кадрлар ва бошқа ресурсларга эга эканлигини Банкка қафолатлайди ва ишонтиради.

10.7. Мазкур Қоидалар ва Битимнинг ҳеч қандай шарти биргаликдаги фаолиятни (оддий ширкатликни) ташкил этиш каби шарт сифатида талқин қилинмайди.

10.8. Коррупцияга қарши шарт

10.8.1. Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари қандайдир ноқонуний афзалликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эга бўлиш мақсадида ҳар қандай шахсларнинг ҳаракатларига ёки қарорларига таъсир кўрсатиш учун бундай шахсларга қандайдир пул маблағларини тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ва тўланишига рухсат бермайдилар.

Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари Битимнинг мақсадлари учун қўлланиладиган қонунчилик тарафидан пора бериш/олиш, тижорий оғдириш каби баҳоланадиган ҳаракатларни ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қўлланиладиган қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

10.8.2. Томонда мазкур 10.8 банднинг қандайдир қоидаларини бузилиши содир бўлганлигига ёки содир бўлишига шубҳа пайдо бўлганда, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма шаклда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма хабарномада Томон фактларга асосланиши ёки контрагент, унинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари томонидан қўлланиладиган қонунчиликда тижорий оғдириш каби баҳоланадиган ҳаракатлар ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қўлланиладиган қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузилиши сифатида баҳоланадиган ҳаракатлар билан мазкур банддаги қандайдир қоидаларнинг бузилиши содир этилганлигини ёки содир этилиши мумкинлигини аниқ тасдиқловчи ёки гумонлашга асос берувчи материалларни тақдим этиши керак. Ёзма равишда хабардор қилингандан кейин тегишли Томон қоидабузарлик содир этилмаганлиги ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиқни олмагунча Битим бўйича мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган пайтдан бошлаб ўн иш куни давомида юборилиши керак.

11. АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1 Амал қилиш муддати

11.1.1. Агар тегишли Ҳамкор билан Битимда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, Битим Томонлар тарафидан имзоланган кундан кучга киради ва Томонларнинг бирининг ташаббусига кўра бекор қилинмагунча амал қилиш муддати чекланмаган.

11.1.2. Нотўғри талқин қилинишини олдини олиш учун Томонлар шундай тутамга

келдилар, Томонларнинг Битим амал қилиш муддати давомида вужудга келган ва унинг амал қилиши тўхташи даврига бажарилмай қолган муносабатларига (кўрсатилган Хизматларни қабул қилиш, тўлаш мажбуриятлари ва ҳ.з.) нисбатан Томонлар тарафидан тегишли мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар Битим ва Қоидаларнинг шартлари тўлақонли қўлланилади (жумладан, Қоидаларнинг бундай мажбуриятларни бажармаслик ва/ёки тегишли равишда бажармаслик учун жавобгарлик тўғрисидаги шартлари).

11.2. Махфийлик

11.2.1. Битимнинг бекор қилиниши Томонларни Қоидаларнинг 5-бўлимида назарда тутилган, Битим амал қилган даврда вужудга келган Махфий ахборотнинг махфийлигини таъминлаш мажбуриятидан озод этмайди деб Томонлар алоҳида келишиб олдилар.

11.3. Ўзгартиришлар ва қўшимчалар

11.3.1. Ҳар бир аниқ Ҳамкор билан Битимга нисбатан Қўшимчалар билан ўзгартиришлар киритилиши мумкин (жумладан, мазкур Қоидаларни ўзгартирадиган шартларни киритиш орқали).

Ҳамкор томонидан Битим шартларини ўзгартиришга ариза борилган тақдирда, агар 3 (уч) банк куни ўтиб Ҳамкор ва Банк Битимнинг кўрсатилган янги шартларини бажариш (Ҳамкорлик тармоғи доирасида хиўматларни кўрсатиш) бўйича ҳаракатларни амалга оширса, қўшимча битимга эришилган деб ҳисобланади. Рад этилган ҳолатларда, Банк Ҳамкорга таклиф этилаётган ўзгартиришлар киритилиши мумкин эмаслиги ҳақида хабарнома юборлади.

11.4. Битимни бекор қилиш

11.4.1. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик қонунчилигида, жумладан, лекин шу билан чекланмасдан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг беғараз хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномасида (ЎЗР ФК 38-боби) ёки Қоидаларнинг мазкур 11.4 бандида ўрнатилган хусусиятларни ҳисобга олиб, Битимда назарда тутилган асослар бўйича Битимни муддатидан илгари бекор қилиш ва/ёки уни бажаришдан бир томонлама тартибда воз кечиш ўринли бўлиши мумкин.

Битимни бир томонлама тартибда бекор қилиш бошқа Томонга хабарнома юбориш орқали амалга оширилади. Бундай хабарнома ёзма шаклда тузилиши, ваколатли шахснинг шахсий имзоси билан имзоланиши ҳамда илова хатланиб, буюртма хати билан юборилиши керак.

11.4.2. Мажбуриятлар аҳамиятли тарзда бузилганлиги сабабли Битимни бекор қилиш: Бошқа Томон тарафидан Битим бўйича мажбуриятлар аҳамиятли тарзда бузилган ҳолатда, Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонга хабарнома юбориб, бир томонлама суддан ҳоли тартибда Битимни бажаришдан воз кечишга ва бошқа Томондан зарарлар қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли (лекин мажбур эмас).

Бундай ҳолатда бошқа Томон тарафидан хабарнома олинган пайтдан бошлаб ёки Қоидаларнинг шартларига ва/ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли хабарнома олинган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб Битим бекор қилинган деб ҳисобланади. Юборувчи-томоннинг ихтиёрига кўра, хабарномада Битим бекор қилинишининг янада узоқроқ муддати ва/ёки янада узоқроқ санаси назарда тутилиши мумкин.

11.4.3. Битимни бажариш бир томонлама тартибда рад этилганлиги туфайли унинг бекор қилиниши: Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонга вужудга келган зарарларни қоплаб бериб, бошқа Томонга хабарнома юбориб, мақсадсиз бир томонлама суддан ҳоли тартибда Битимни бажаришдан воз кечишга ҳақли.

Бундай ҳолатда бошқа Томон тарафидан хабарнома олинганлиги ёки Қоидаларнинг шартларига ва/ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли хабарнома олинганлиги шартда бундай хабарнома юборилган пайтдан 30 (Ўттиз) календарь кун ўтиб, Битим бекор қилинган деб ҳисобланади. Юборувчи-томоннинг ихтиёрига кўра, хабарномада Битим бекор қилинишининг янада узоқроқ муддати ва/ёки янада узоқроқ санаси назарда тутилиши мумкин.

11.4.4. Томонларнинг келишуви бўйича Битимнинг бекор қилиниши.

Битим Томонларнинг келишуви бўйича ҳам бекор қилиниши мумкин, унда Томонлар Битим бекор қилиниши билан боғлиқ шартларни қайд этадилар.

11.5. Битимни бекор қилиш оқибатлари

11.5.1. Битим бекор қилинган (тўхтатилган) ҳолатда Ҳамкор Битим бекор қилинган (тўхтатилган) пайтга Банк томонидан ҳақиқатан кўрсатилган Хизматларни Қоидаларда ўрнатилган тартибда ва уларнинг Битимда белгиланган қийматидан келиб чиқиб тўлаб бериш мажбуриятини олади.

12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Қўлланиладиган қонунчилик

12.1.1. Битимда ва Қоидаларда белгиланмаган барча ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қиладилар.

12.2. Битимнинг тўлақонлиги

12.2.1. Битим имзоланишидан олдин ўринли бўлган барча материаллар, Томонларнинг ёзишмалари ўз юридик кучини йўқотади ва Битимни ва унинг шартларини талқин қилишда ва/ёки Томон тарафидан Томонлар Битимни тўғридан-тўғри ёки билвосита бажариши билан боғлиқ талабларни асослашда далил сифатида қўлланилиши мумкин эмас.

13. БАНК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ANOR BANK» АЖ
Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор кўча, 4 уй. СТИР:20732496 МФО: 01183